

**КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎШИЛГАН
ҚИЙМАТ СОЛИҒИГА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

Тоштемиров Тўлқин Тоиржонович

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси мустақил
изланувчиси ORCID: 0009-0001-2983-2017 Тошкент, Ўзбекистон*

Аннотация. Тезисда кичик тадбиркорлик субъектларини қўшилган қиймат солиғига тортишни ўзига хос хусусиятлари, улар билан боғлиқ муаммолар, тадбиркорлик фаолиятига ижобий ва салбий таъсири таҳлил қилинган. Шунингдек, қўшилган қиймат солиғига тортишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар. Кичик тадбиркорлик субъектлари, кичик корхоналар, қўшилган қиймат солиғи, солиқ базаси, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзи.

**ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ
СУБЪЕКТОВ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА ПО НАЛОГУ НА
ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ**

Тоштемиров Тулқин Тоиржонович

*самостоятельный исследователь в Банковско-финансовой академии
Республики Узбекистан
ORCID: 0009-0001-2983-2017
Toshkent, O'zbekiston*

Аннотация. В тезисе проанализированы особенности обложения субъектов малого предпринимательства налогом на добавленную стоимость, связанные с ними проблемы, положительное и отрицательное влияние на предпринимательскую деятельность. Также разработаны предложения по совершенствованию налогообложения по налогу на добавленную стоимость.

Ключевые слова. Субъекты малого предпринимательства, малые предприятия, налог на добавленную стоимость, налоговая база, налоговая ставка, налоговые льготы.



ISSUES OF IMPROVING THE TAXATION OF SMALL BUSINESS
ENTITIES WITH VALUE ADDED TAX

Toshtemirov Tulkin Toirjonovich

*independent applicant of the Banking and Finance Academy of the
Republic of Uzbekistan*

ORCID: 0009-0001-2983-2017 Tashkent, Uzbekistan

Abstract. *The thesis analyzes the specifics of taxing small business entities with value-added tax, the problems associated with them, and their positive and negative impact on entrepreneurial activity. Proposals for improving value-added taxation have also been developed.*

Keywords. *Small business entities, small enterprises, value added tax, tax base, tax rate, tax benefit.*

Ўтган асрнинг 30 йилларида Жон Мейнард Кейнс иқтисодий дaвлат томонидан тартибга солиш концепцияси таклиф қилингандан сўнг, ҳукумат ва иқтисодчиларни солиқларга бўлган қизиқиши сезиларли даражада ошди. Маълумки, ушбу концепцияда давлат харидлари ва трансферт тўловлари билан бир каторда солиқлар ялпи талабни тартибга солиши ва унинг ёрдамида бандлик, инфляция ва иқтисодий ўсиш муаммоларини ҳал қилиш муҳимлигига алоҳида ўрин берилган⁹.

Давлатнинг мавжудлигини солиқларсиз тасаввур қилиб бўлмаслиги алоҳида исбот талаб қилмайди. Айниқса, бюджет даромадларининг асосий қисмини ташкил этувчи қўшилган қиймат солиғисиз.

Шу билан бирга, айрим иқтисодчи ва тадбиркорлар орасида солиқлар, хусусан қўшилган қиймат солиғи иқтисодий фаолиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, бозор механизмининг самарадорлигини пасайтиради деган фикр кенг тарқалган.

Солиқларнинг бундай иккиёклама табиати уларнинг макродаражадаги ролини ўрганиш, турли солиқ режимлари ва ставкалари макроиқтисодий мувозанат ва бандлик даражасига қандай таъсир кўрсатишини, қайси бири муҳимроқ - иқтисодийнинг давлатдан олган умумий ижобий самарасими, максимал иқтисодий фаолликка эришишми ёки бюджет даромадларини таъминлайдиган мақбул солиқ сиёсати қандай бўлиши кераклигини аниқлаш зарурлигини белгилайди.

⁹ Дж. Кейнс "Общая теория занятости, процента и денег", АСТ, ISBN 978-5-17-171266-2, 2025 г.



Кейинги вақтларда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан қўшилган қиймат солиғини тўлаш билан боғлиқ бўлган шу ва бошқа масалаларга қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, кичик тадбиркорлик субъектлари ўртасида қўшилган қиймат солиғига мажбурий ўтишга учун белгиланган бир миллиард сўм миқдоридоги чегаравий қийматни пасайтириш ҳамда қўшилган қиймат солиғини соддалаштирилган ставкаларини жорий этиш таклиф этилмоқда.

Давлат солиқ қўмитаси маълумотларига кўра, 2025 йил 1 октябрь куни ҳолатига 63,2 минг та кичик корхоналар мавжуд, бу барча қўшилган қиймат солиғи тўловчиларнинг 27 фоизига тўғри келади (жами қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтган солиқ тўловчилар сони 234,7 минг тани ташкил этади).

Уларнинг 2025 йил январь-сентябрь ойларидаги товар айланмаси 173 431,9 миллиард сўмни, тўлаган солиқлари 11 172,7 миллиард сўмни, фойдаланган солиқ имтиёзлари 5 789,9 миллиард сўмни ташкил этган.

Шу билан бирга, таҳлилларга кўра “ТОП-20” солиқ тўловчи кичик корхоналар бўйича тўланган 406,8 миллиард сўм солиқларни асосий қисми 167,1 миллиард сўми ёки 41,1 фоизи қўшилган қиймат солиғига тўғри келган. Бу бошқа тоифадаги тадбиркорлар тўлаган солиққа нисбатан юқори ҳисобланади.

Ўрганишларга кўра, тўланган солиқларда қўшилган қиймат солиғини улуши ўрта бизнес корхоналарида 27,5 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарда 30,8 фоизни, ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналарда 31,7 фоизни, савдо соҳасидаги корхоналарда 37,2 фоизни, умумий овқатланиш корхоналарида 42,5 фоизни ҳамда қурилиш соҳасида фаолият юритувчи корхоналарда 48 фоизни ташкил этиши маълум бўлди¹⁰.

Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик субъектлари солиқ юкини енгиллаштириш, қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш мақсадида, солиқ ставкалари йилдан-йилга камайтирилиб, оптималлаштирилмоқда.

Хусусан, 2023 йил 1 январдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга туширилиб, қонунчилик билан 2028 йил 1 январга қадар оширилмаслиги белгилаб қўйилган¹¹.

Бироқ, ҳозирги кунда жаҳонда давлатларнинг бюджет харажатларини ошириши билан қўшилган қиймат солиғи ставкасини ошириш тенденциялари кузатилмоқда. Жумладан, 2026 йилдан бошлаб Қозоғистонда қўшилган

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари (t.me/fiskaltahlil).

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (<https://lex.uz/mact/4674902>).



қиймат солиғи ставкаси 12 фоиздан 16 фоизга, Россия Федерациясида 20 фоиздан 22 фоизга оширилмоқда¹².

Таҳлилларга асосан шуни хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги давлат бюджети даромадларини таъминлаш билан боғлиқ мураккаб бир вазиятда, қўшилган қиймат солиғини амалдаги солиқ ставкасини сақлаб қолиш, қўшилган қиймат солиғи занжиридаги узилишларни олдини олиш учун солиқ базаси ва имтиёзларни қайта кўриб чиқиш керак.

Шу билан бирга, кичик тадбиркорлик субъектларини қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтишларини енгиллаштириш учун фойда солиғи ва ресурс солиқларидан солиқ имтиёзлари тақдим этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР/ЛИТЕРАТУРА/REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.
4. Дж. Кейнс "Общая теория занятости, процента и денег", АСТ, ISBN 978-5-17-171266-2, 2025 г.
5. Yusupjonovna S. E. TREATMENT APPROACHES FOR SENSORINEURAL HEARING LOSS //Introduction of new innovative technologies in education of pedagogy and psychology. – 2025. – Т. 2. – №. 5. – С. 157-158.
6. Yusupjonovna, S. E. (2025). TREATMENT APPROACHES FOR SENSORINEURAL HEARING LOSS. Introduction of new innovative technologies in education of pedagogy and psychology, 2(5), 157-158.
7. Shodieva, E. (2024). OTOMYCOSIS DISEASE AND ITS ETIOTROPIC TREATMENT METHODS. Science and innovation, 3(D1), 155-161.
8. Усманова, Н. А., & Шодиева, Э. Ю. (2021). ПУТИ УЛУЧШЕНИЯ КОМПЛЕКСНОЙ ТЕРАПИИ ОТОМИКОЗА. Re-health journal, (2 (10)), 97-99.
9. Shodieva, E. (2024). OTOMYCOSIS DISEASE AND ITS ETIOTROPIC TREATMENT METHODS. Science and innovation, 3(D1), 155-161.

¹² https://nalov.gov.ru/rn27/news/tax_doc_news/16587614.

